
ДАНҒАРАДА БОБУР БОБОМУРОД БИЛАН ИЖОДИЙ УЧРАШУВ ВА “ВАТАН МЕҲРИ” КИТОБНИНГ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Данғара тумани ахборот-кутубхона марказида туман ёшларининг Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Бобур Бобомурод билан ижодий учрашуви ва иқтидорли шоирнинг “Ватан меҳри” деб номланган навбатдаги шеърий тўплами тақдироти бўлиб ўтди.

Мароқли ва мазмундор ўтган мулоқот чоғида йиғилганлар китобнинг яратилиши ва шеърларнинг моҳияти ҳақида шоирнинг ўзидан эшитиб, ижод намуналаридан бахраманд бўлишди.

“Ватан меҳри” китобидан ўрин олган шеърлар ўзининг самимийлиги, енгил ўқилиши билан кишини ўзига тортади. Шеърлар ўсиб келаётган ёш авлодни Ватанни севишга, уни қадрлаш ва кўз қорачиғидек асрашга, она юртга садоқат билан хизмат қилишга чақиради.

Учрашувда сўз олган Данғара туман ҳокимининг ўринбосари Шаҳноза Ўринова бу учрашув ёшларга маънавий озуқа бериши, ижодга қизиққанлар учун ҳақиқий мастер-класс эканлигини қайд этиб, Бобур Бобомурод ижодига зафарлар тилади.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#),
2021-04-03 17:09:05